

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/30.12.2019.P.01.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДЖУМАНИЯЗОВА МУХАЙЯ ХУСИНОВНА**

**ТАЛАБАЛАР ДИНИЙ ДУНЁҚАРАШИНING ИЖТИМОЙ-  
ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**19.00.05 – Ижтимоий психология. Этнопсихология**

**ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент–2021**

**Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации  
доктора философии (PhD) по психологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
Psychological sciences**

**Джуманиязова Мухайя Хусиновна**

Талабалар диний дунёқарашининг ижтимоий-психологик хусусиятлари....3

**Джуманиязова Мухайя Хусиновна**

Социально-психологические особенности религиозного мировоззрения  
студентов .....25

**Djumaniyazova Muhayya Xusinovna**

Social and psychological characteristics of the religious worldview of  
students.....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works .....52

Психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси  
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида  
B2020.3.PhD/P200- рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-  
саҳифада [www.ndpi.uz](http://www.ndpi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) манзилларига  
жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Мухамедова Дилбар Гафурджановна**  
психология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Жабборов Аъзим Мейликулович**  
психология фанлар доктори, профессор

**Жалилова Сабоҳат Халиловна**  
психология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон халқаро ислом академияси**

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети кузуридаги  
DSc.03/30.12.2019. P.01.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «29» декабрь кун  
соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси,  
4-уй, Тел.: (99871) 227-12-24; факс: (+99871) 246-53-21, (+99871) 246-02-24; e-mail: nauka@nuu.uz  
Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети 4-қават, 409-хона).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида  
танишиш мумкин. (132 рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри,  
Университет кўчаси, 4-уй. ЎзМУ Бош ўқув биноси, "В" қисми, 2-қават, 217-хона. Тел.: (+99871)  
246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «10» декабрь кун тарқатилди.  
(2021 йил «10» декабрь даги 14 рақамли реестр баённомаси.)



**У.Д.Қодиров**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси ўринбосари,  
психология фанлари доктори (DSc),  
профессор в.б.

**И.И. Рахимова**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, психология  
фанлари бўйича фалсафа доктори  
(PhD) доцент

**Н.С. Сафиев**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, психология фанлари  
доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳондаги шахс ва жамият муаммоларини ўрганувчи мутахассислар, шахснинг социумга қўшилиши, унда коммуникатив маданиятни ривожлантириш асоси сифатида – ижтимоий-психологик қадрият шакли сифатида диний эътиқодни ўрганиш лозимлигини таъкидлашмоқда. Шу боис, жаҳон психологиясида диний эътиқодни ўрганишнинг услубий муаммоларини, диний дунёқараш табиатини, ҳозирги оммавий маданият шароитидаги ёшларнинг диний эътиқод жиҳатдан ўхшашлигини, шахснинг диний эътиқоди ва ижтимоий ҳамкорликни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё миқёсида диний дунёқараш, диннинг ўзидан фарқли равишда унинг муайян конфессионал тушунилишида, мураккаб, тизимли ва ўзгарувчан бўлган бир шароитда бутун жаҳон жамоатчилигини дин, диний дунёқараш тушунчаларининг моҳиятини ўрганувчи тадқиқотларга бўлган муайян эҳтиёж тобора кўпроқ сезилмоқда. Шундай эҳтиёжни тўлдириш учун диний дунёқарашни тўғри тушуниш, баҳолаш учун унинг илмий жиҳатдан асослантирилган тавсифларини, диний дунёқарашнинг пайдо бўлиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини, унинг мазмунан талқин қилинишини, ижтимоий-психологик қадриятлар ва устунликлар улушини инобатга олиш зарур<sup>1</sup>. Шунга боғлиқ ҳолда, диний дунёқарашнинг ўзига хос хусусиятларини, унинг турлича намоён бўлишини очиб бериш имкониятини берадиган тегишли эмпирик материал ҳамда уларнинг илмий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича доимий равишда тадқиқотлар олиб боришга зарурат борлигидан далолат беради. Диний эътиқодни ижтимоий-психологик ўрганишнинг услубий муаммолари ўрганилган бўлса-да, бевосита ҳозирги талаба ёшларнинг диний дунёқарашини ўрганиш бўйича изланишлар ўтказилмаган. Бинобарин, ўрганилаётган муаммонинг ижтимоий аҳамиятлиги, ижтимоий-психологик амалиётга бўлган заруратини илмий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқиш алоҳида тадқиқот муаммоси саналади.

Ҳозирги даврда жамоатчилик фикри диний дунёқарашни салбий феномен сифатида бир томонлама баҳолашдан фориғ бўлмоқда. Бугунги кунда диний бағрикенгликни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари” 5-йўналишида белгилаб берилган вазифалар доирасидаги ишлар янги сифат босқичига кўтарди<sup>2</sup>. Шу нуқтаи назардан, республикамизда дин, диний дунёқараш шаклланиши муҳим жараён

<sup>1</sup> <http://www.unn.ru/pages/disser/1120.pdf>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 6 (766)-сон, 2017. – Б. 2-5.

эканлигига давлат аҳамияти даражасида эътибор қаратилмоқда. Шунга мувофиқ равишда талабалар диний дунёқарашининг ижтимоий-психологик ўзига хослигини тадқиқ қилиш бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш, талабалар онгида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш каби жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2019 йил 17 январдаги ПФ-5635-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги, 2019 йил 11 июлдаги ПФ-5763-сон Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси”<sup>3</sup> дастурлари доирасида белгиланган кенг кўламли стратегик чора-тадбирларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Диний дунёқараш, диний эътиқод, диний онг, диний тасаввурлар, диний муносабатларга бағишланган илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий ўқув муассасаларининг мутахассислари томонидан ўрганилиб келинмоқда. Жумладан, Regents University (Буюк Британия), Northeastren University Boston (АҚШ), Мюнхен университетида (LMU, Германия), Seoul National University (Жанубий Корея), Хитой педагогик изланишлар миллий Марказида (NIES, Гуанжоу), Москва Давлат университетида (М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Россия) ва бошқаларда тадқиқот олиб борилмоқда.

Ўрганилаётган муаммога бағишланган илмий адабиётларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, талаба-ёшлар онгига таъсир қилиш мавзуларида бир қатор ўзбек олимлари<sup>4</sup> тадқиқот олиб борганлар, шунингдек, олимлар

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий ва маънавий-маърифий соҳаларга оид бешта ташаббуси” // <http://president.uz>; <http://uza.uz>.

<sup>4</sup> Абдурахманова З.Э. Ёшларда миллий бирлик туйғуси шаклланишининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Психол.фан. ном. ... дис. - Т., 2006. -129 б.; Норкулова Н.Т. Аффiliation мотиви – талабалар маънавий қиёфасини шакллантирувчи ижтимоий-психологик омил.: автореф.дис. ... психология фан. фал.док PhD: 19.00.05/ Тошкент, 2017.- 49 б.; Мелибаева Р.Н. Талабалар тафаккурини ривожлантиришнинг психологик механизмлари., автореф.дис. ... психология фан. фал.док PhD: 19.00.05/ Тошкент, 2018.-50 б.; Саломова Г.Ш. Талаба-ёшларда этномаданий компетентликни шакллантиришнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари., автореф.дис. ... психология фан. фал.док PhD: 19.00.05/ Тошкент, 2019. 46 б.

изланишининг аксарияти динни, ҳозирги ёшларда диний қарашларни шакллантирувчи хусусиятларни<sup>5</sup> (Н.С.Сафаев, Д.Г.Мухамедова, А.Г.Айрапетова ва б.) ўрганишга бағишлаганлигини кўришимиз мумкин.

Шунингдек, мазкур мавзуда хорижлик олимларнинг ишлари ҳам мавжудлиги таъкидлаб ўтишимиз жоиздир, хусусан, диний эътиқодни психологик ўрганишнинг услубий муаммолари (П.С.Гуревич, М.Вебер, А.М.Двойнин ва б.)<sup>6</sup>, диний дунёқараш табиати (А.Ю.Рахманин, В.П.Гайденко, Д.О.Смирнов ва б.)<sup>7</sup>, ҳозирги оммавий маданият шароитидаги ёшларнинг диний эътиқод жиҳатдан ўхшашлиги (М.В.Фёдорова, А.Г.Сафронов, В.М.Миназова ва б.)<sup>8</sup>, шахснинг диний эътиқоди ва ижтимоий ҳамкорлик (В.Еротич, Д.М.Чумакова, М.П.Мчедлов ва б.)<sup>9</sup> каби масалалар тадқиқ қилинган.

Лекин бевосита ҳозирги талаба ёшларнинг диний дунёқарашини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борилмаган. Бинобарин, ўрганилаётган муаммонинг ижтимоий аҳамиятлилиги, ижтимоий-психологик амалиётга бўлган зарурат ҳамда унинг илмий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги мазкур диссертацион тадқиқотнинг долзарблигини асослайди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.** Диссертация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат, нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан Хотин-қизлар “Олима” уюшмаси Хоразм вилояти бўлимига ажратилган №15-16 сертификат рақамли

---

<sup>5</sup> Сафаев Н.С., Давлетшин М.Г. Этнопсихологиянинг долзарб муаммолари / Методик қўлланма. - Т.: ТДПУ, 2001. – 16 б.; Сафаев Н.С. Духовность и национальное самосознание личности. -Ташкент, 2004. - с 82.; Айрапетова А.Г. Ёшларда нотўғри диний тушунчаларни шакллантирувчи шахс хусусиятлари.: автореф.дис. ... психология фан. фал.док PhD: 19.00.05/ Тошкент, 2017.-53 б.; Жабборов Х.Х. Ўсмирларда мафкуравий иммунитет шаклланишининг психологик омиллари., автореф.дис. ... психология фан. фал.док PhD: 19.00.05/ Тошкент, 2019.-49 б.; Қодиров У.Д. Ёшларни деструктив ғоялар таъсиридан химоялашнинг ижтимоий-психологик хусусиятлари., автореф.дис. ... психология фан. док DcS: 19.00.05/ Тошкент, 2019.- 66 б.

<sup>6</sup> Гуревич П.С. Религиоведение: Учебник для бакалавров. - 3-е изд, пер. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 2017. - 573 с.; Двойнин А.М. Психология верующего: ценностно-смысловые ориентации и религиозная вера личности: Монография / А.М. Двойнин. - СПб.: Речь, 2012. - 224 с.; Вебер М. Социальная психология мировых религий / М. Вебер // Религия и общество: Хрестоматия. М.: Наука, 2004. - Т.1. - С. 280-298.

<sup>7</sup> Гайденко В.П. Природа в религиозном мировосприятии / Гайденко В.П. // Вопросы философии. - 2005. - №5. - С. 143-150.; Рахманин А.Ю. Религиоведение: Учебник и практикум. - М.: Издательство Юрайт, 2017. - 307 с.; Смирнов Д.О. Религиозная активность в структуре интегральной индивидуальности: Дис.... канд. психол. наук: 19.00.01: Пермь, 2001. - 186 с.

<sup>8</sup> Федорова М.В. Религиозная идентичность молодежи в условиях современной массовой культуры // Science and Innovations in the Globalized World / Ed. By A.A. Sukiasyan. San Diego, CA: Global Partnership on Development of Scientific Cooperation, Ron Bee and Associates Company, 2016. - С. 196-204.; Сафронов У.Т. Современная религиозность. - К.: Наука-Центр, 2010. - 94 с.; Миназова В.М. Религиозная идентичность современной молодежи // Культурно-историческая психология. 2010. - № 3. - С. 111-120.

<sup>9</sup> Еротич В. Психологическое и религиозное бытие человека. - М.: Библиейско-богословский институт, 2004. - 212 с.; Чумакова Д.М. Религиозность личности и социальное взаимодействие в семье: психометрический подход / Чумакова Д.М. // Сборник научных статей молодых ученых, посвященный Всероссийской молодежной научной психологической конференции. - Ярославль: изд-во ЯрГУ им.П.Г.Демидова, 2012. - С. 182-184.; Мчедлов М.П. Религиозность молодых людей // Человек. - №6. - 2005. - С. 111-118.

“Ёшлар гиёҳвандлик, терроризм ва диний экстремизмга қарши” мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** талабалар диний дунёқарашининг ижтимоий-психологик ўзига хослигини тадқиқ қилиш асосида илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

диний дунёқараш муаммосини психология фанида ўрганишнинг назарий асосларини таҳлил қилиш;

талаба ёшларнинг диний дунёқарашини шаклланишига таъсир қилувчи ижтимоий-психологик омилларни аниқлаш;

бугунги кун талабасининг ижтимоий-психологик портретини ва йўналганлигини аниқлаш;

талабаларда диний дунёқараш шаклланишида тафаккурнинг турини, диний фаолликда ички ва ташқи мотивларининг ролини асослаш;

шахснинг мулоқотда типологик йўналганлик бўйича жинсий детерминантлар мавжудлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 18 ёшдан 25 ёшгача бўлган олий таълим муассасалари (Урганч Давлат университети ва Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети)нинг тингловчи-талабалари (285 нафар) жалб қилинди.

**Тадқиқотнинг предмети**ни диний дунёқарашнинг асосий ижтимоий-психологик хусусиятларини структуравий-предметли алоқалари ташкил этади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқотда талаба диний дунёқарашини, унинг таркиби, диний дунёқараш шаклланишига таъсир қилувчи омилларни ўрганиш учун муаллиф томонидан тузилган ижтимоий-психологик сўровнома; Д.О.Смирновнинг “Диний фаолликни ўлчаш” методикаси Субтест №2 (ташқи-ички диний эътиқод шкаласи); Субтест №3 (диний-табiiй илмий дунёқараш шкаласи); Субтест №4 (диний ҳаракатлар шкаласи); И.Бриггс Майерс, П.Майерсларнинг МВТІ сўровномаси; С.Л.Братченконинг “Мулоқотда шахснинг йўналганлигини (МЙ) диагностика қилиш методи”; М.Шнайдернинг “Коммуникатив назорат тест-сўровномаси”. Математик статистика методлари (Стъудентнинг t-мезони, К.Пирсоннинг r-корреляция коэффициентини ҳисоблаш методлари)дан тадқиқотда олинган эмпирик материалларни қайта ишлаш ва уларнинг статистик аҳамиятлилик даражасини аниқлаш учун фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

талабанинг мулоқотдаги типологик йўналганлик мақомини аниқлашда унинг диний дунёқарашини шаклланишига жамоавий муҳит, амбивалент ҳиссий кечинмалар, социум босими, индивиднинг ёш хусусиятлари ва шахсий мотивлар асосий таъсир этувчи ижтимоий-психологик омил эканлиги исботланган;

талабанинг ижтимоий ёши физиологик ёшига қараганда илгарилаб кетгани, оиланинг тарбиявий таъсири пасайиши, қабул қилинаётган ахборот ҳажмининг ошгани, янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, руҳий

турғунликнинг барқарор эмаслиги инобатга олиниб, уларда соғлом диний дунёқарашни шакллантиришда ижтимоий етукликка эришганлик, мустақил касбий фаолиятнинг бошланиши, муайян мутахассисликни эгаллаш мотивацияси муҳим эканлиги асосланган;

айрим талабалар диний-маърифий тафаккурида оқилона ёндашувдан кўра ибодат, фарз амалларга кўпроқ эътибор қаратиш кузатилаётгани, бу жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, талаба онгида диннинг асл мазмун – моҳияти ҳамда жамият тараққиётидаги позитив ролини англашда баъзи (расмий дин ходимлари ваъзларига эмас, балки виртуал фатволарга эргашиш) мураккабликларни юзага келтираётгани асосланган;

ҳозирги мураккаб, ўзгарувчан ва тасодифларга бой даврда мулоқотда типологик йўналганлик бўйича жинсий детерминантлар мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда талабада соғлом диний эътиқодни шакллантиришда таълим муассасаси ва диний ташкилотлар ўртасидаги (“Мулоқот соатлари”, “Этнопсихология ва дин психологияси” фани доирасида, маънавий-маърифий тадбирлар) ҳамкорликнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш зарурати аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тадқиқот жараёнида ўрганилаётган ҳодисани назарий таҳлил қилиш натижалари асосида “Диний дунёқараш шаклланиш хусусиятларини ўрганиш” экспериментал сўровномаси тайёрланган.

бугунги кун талабаси диний дунёқарашининг характеристикаси, коммуникатив ўзаро ҳамкорлик шакллари, шунингдек, мулоқотда диний эътиқодли шахснинг ўз-ўзини коммуникатив назорат қилиши ҳамда унинг йўналганлигининг ўзига хосликлари очиқ берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** аввало, тадқиқот объектларининг мақсадга мос танланганлиги, илмий текширишларда қатнашган респондентларнинг етарлича репрезентативлиги, танланган методикаларнинг валидлиги ва ишончлилиги, олинган эмпирик миқдорларнинг математик-статистиканинг ишончли усуллари ёрдамида таҳлил қилинганлиги, бунда замонавий электрон дастурий воситалар қўлланганлиги, изланишлар аниқ ва режа босқичларда бир-бирини тўлдирувчи усуллар ёрдамида амалга оширилганлиги, тадқиқот давомида шакллантирилган хулоса, таклиф ва тавсияларнинг бир вақтда турли йўналишларда амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти талаба ёшлар диний дунёқарашининг ижтимоий-психологик хусусиятларини очиқ беришга илмий жиҳатдан ёндашилгани, диний эътиқодли талаба ёшларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини инобатга олувчи психоконсультация ва психокоррекция техник ишларни ишлаб чиқиш имкониятини бериши билан белгиланади ҳамда талаба ёшлар диний дунёқарашининг моҳияти ва тушунчаси очиқ берилгани, унинг шаклланиши ва ривожланишининг ҳозирги кундаги ҳолати



тўғрисидаги назарий тасаввурлар , шунингдек, тайёрланган воситалар (диний дунёқараш шаклланиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган экспериментал сўровнома) ушбу ҳодисани ўрганишнинг кейинги изланишлари доирасида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқотдан олинган натижаларнинг ижтимоий-амалий фаолиятининг турли соҳаларида, олий таълим муассасалари психологлари, ёшлар билан ишлайдиган мутахассислар томонидан қўлланиш имконияти билан белгиланиб, тадқиқот натижаларидан психолог кадрларни тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсларида назарий-амалий материал сифатида фойдаланишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Талабалар диний дунёқарашининг ижтимоий – психологик хусусиятлари юзасидан олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

талабанинг мулоқотдаги типологик йўналганлик мақомини аниқлашда унинг диний дунёқарашни шаклланишига жамоавий муҳит, амбивалент ҳиссий кечинмалар, социум босими, индивиднинг ёш хусусиятлари ва шахсий мотивлар асосий таъсир этувчи ижтимоий-психологик омил эканлигига доир хулосадан Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 01 июлдаги П-М-7<sup>б</sup> - сон буйруғи билан психологларни тайёрлаш режасига киритилган “Ижтимоий психология” модули мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 01 июлдаги П-М-7<sup>б</sup>-сон маълумотномаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 18 мартдаги 03-07/1715-сон маълумотномаси). Натижада, таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологнинг зарурий мулоқот типологиясини шакллантириш бўйича профилактика ишларини ташкил этишнинг намунавий режаси ишлаб чиқилган;

талабанинг ижтимоий ёши физиологик ёшига қараганда илгарилаб кетгани, оиланинг тарбиявий таъсири пасайиши, қабул қилинаётган ахборот ҳажмининг ошгани, янги эҳтиёжларнинг пайдо бўлиши, руҳий турғунликнинг барқарор эмаслиги инobatга олиниб, уларда соғлом диний дунёқарашни шакллантиришда ижтимоий етукликка эришганлик, мустақил касбий фаолиятнинг бошланиши, муайян мутахассисликни эгаллаш мотивацияси муҳим эканлигига доир амалий хулоса ва тавсиядан Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 01 июлдаги П-М-7<sup>б</sup>-сон буйруғи билан психологларни тайёрлаш режасига киритилган “Этнопсихология ва дин психологияси” модули мазмунига сингдирилган (Тошкент давлат педагогика университети қошидаги Психология ўқув-илмий Марказининг 2020 йил 01 июлдаги П-М-7<sup>б</sup>-сон маълумотномаси). Натижада, Марказнинг илмий-амалий таъминоти кучайтирилиб, таълим соҳаси учун тайёрланадиган психологларнинг касбий аҳамиятли таянч компетенцияларини

шакллантириш ҳамда касбий тайёргарлик даражасини ошириш соҳасида сифат жиҳатдан ўсишга эришилган;

айрим талабалар диний-маърифий тафаккурида оқилона ёндашувдан кўра ибодат, фарз амалларга кўпроқ эътибор қаратиш кузатилаётгани, бу жамиятнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатиб, талаба онгида диннинг асл мазмун – моҳияти ҳамда жамият тараққиётидаги позитив ролини англашда баъзи (расмий дин ходимлари ваъзларига эмас, балки виртуал фатволарга эргашиш) мураккабликларни юзага келтираётганига доир хулосадан Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги таълим муассасаларда ўқитиладиган “Педагогика ва психология” фани ўқув дастурини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2021 йил 26 февралдаги 640-сон маълумотномаси). Натижада, диний-маърифий таълим муассасалари талабалари онгида соғлом диний дунёқарашни, диний – маърифий тафаккурида рационал билим ва тасаввурларни шакллантириш жараёни такомиллаштирилган;

ҳозирги мураккаб, ўзгарувчан ва тасодифларга бой даврда мулоқотда типологик йўналганлик бўйича жинсий детерминантлар мавжуд эмаслигини инобатга олган ҳолда талабада соғлом диний эътиқодни шакллантиришда таълим муассасаси ва диний ташкилотлар ўртасидаги (“Мулоқот соатлари”, “Этнопсихология ва дин психологияси” фани доирасида, маънавий-маърифий тадбирлар ) ҳамкорликнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш заруратига доир амалий хулоса ва тавсиядан Урганч давлат университети, Бухоро давлат университети, Қарши давлат университети ва Термиз давлат университетлари “Психология”, “Педагогика ва психология” бакалаврият таълим йўналишларида “Умумий психология”, “Ижтимоий психология”, “Ривожланиш психологияси ва педагогик-психология”, “Этнопсихология ва дин психологияси” каби фанларнинг маъруза ва амалий машғулотларида қўлланилган. (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 октябрдаги 89-03-3884-сон маълумотномаси). Натижада олий таълим муассасаларида тайёрланаётган амалиётчи психологлар фаолиятида шахс йўналганлигининг диагностикасига оид илмий, ўқув-методик таъминот кучайтирилган, бу ўз навбатида бўлғуси мутахассислардаги диний дунёқарашнинг шахслараро муносабатдаги ўрни тўғрисидаги билим ва тасаввурларини ривожлантириш, ёшлар тарбиясининг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган. Олий Аттестация Комиссиясининг (PhD) диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола жумладан, 1 та халқаро ОАК журналида, 5 та республика, 1 та Scopus маълумотлар базасига киритилган халқаро илмий журналларда ўз аксини топган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Тадқиқот ишининг ҳажми иловалардан ташқари 134 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти шакллантирилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши ёритилган, эълон қилинган ишлар, диссертациянинг тузилиши борасида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Психология фанида талабаларнинг диний дунёқараш муаммосининг ўрганилиши”** деб номланган биринчи бобида диний дунёқараш тушунчасининг психология фанидаги моҳияти, диний дунёқарашнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, талабалик даврининг психологик хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар назарий таҳлили амалга оширилган.

Мазкур муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, диний дунёқараш ва ушбу йўналишдаги бошқа асосий тушунчаларни таърифлаш (аниқлаш)га оид кўплаб ёндашувлар мавжуд. Хусусан, О.Ф.Лобазова, Р.А.Финк, Р.М.Ахмедов, Н.А.Красников, В.Еротич, С.Т.Рахмонов, С.А.Белоусов, З.П.Трофимова, А.Н.Романин, А.М.Двойнин, А.Ю.Рахманин, Е.И.Аринин, Ю.Ф.Борунков, И.Н.Яблоков, К.И.Никоновлар, В.А.Соснин, Г.П.Чистяков, А.Н.Крылов, П.С.Гуревич, Г.С.Киселёв, Г.А.Сафронов, В.Г.Васильев, В.Н.Финогентов, А.К.Яковлевларнинг тадқиқотларида бу нарса таҳлил қилинган.

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий адабиётлар таҳлили бугунги кунда дин жамият ҳаётининг турли соҳаларига фаол қайтаётганини ва онгининг муҳим салмоқли омили сифатида майдонга чиқаётганлигини, маданий, ғоявий ва сиёсий соҳаларда мустаҳкам ўрин тутаётганлигини кўрсатади. Диний дунёқараш динни психологик ўрганишда базавий тушунчалардан бири бўлиб майдонга чиқади ҳамда у борлиқнинг маънан ўзлаштирилиш шакли каби инсон шахси онгининг негизий асоси сифатида қаралади. Диний дунёқараш шахснинг турмуш даражасида, ўзлигини англаш ва фикр юритиш даражасида уйғунлашади. Шу билан бирга, диний дунёқараш жуда муҳим амалий аҳамиятга, ижтимоий-психологик жиддий улушга эга бўла туриб, етарли даражада ўрганилмаганлиги таъкидланади.

**“Жинсий детерминациялашган диний дунёқараш шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий омилларнинг психологик хусусиятларини эмпирик ўрганилиши”** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида диний дунёқараш шаклланишига таъсир этувчи омиллар психодиагностикасига оид муаммолар ва уларнинг ечими, талаба ёшлар диний дунёқараш хусусиятларини детерминацияловчи объектив ва

субъектив омиллар таҳлили, диний фаоллик таркибий қисмларини шаклланганлик даражасининг ўзаро қиёсий жинсий фарқлари масалалари баён этилган.

Мазкур бобда “Ёшлар диний дунёқараши шаклланишига таъсир этувчи омилларни ўрганиш” психодиагностик восита адекватлигини белгилайдиган психометрик мезонларни “Диний дунёқараш шаклланишининг ўзига хосликларини ўрганиш” экспериментал сўровномаси ёрдамида ўрганиб чиқилган. Сўровнома орқали олинган ахборотнинг статистик таҳлили натижалари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

### 1-жадвал

#### Ёшлар диний дунёқарашига таъсир кўрсатиши эҳтимол қилинган ижтимоий-психологик омилларнинг жинслараро кросс-табуляцияси натижалари (Pearson Chi-Square)

№	Саволлар	Жавоблар вариантлари	Жинс				Аҳамиятлик (Pearson Chi-Square)
			аёл		эркак		
			абсолют	нисбий	абсолют	нисбий	
1	Атрофингизда Аллоҳга ишонувчилар кўп деб ўйлайсизми?	Кўп	6	2.1	5	1.8	0.561
		Нисбатан кўп	114	40	98	34.4	
		Нисбатан кам	8	2.8	10	3.5	
		Йўқ	19	6.7	25	8.8	
2	Сизнинг оилангизни диндор деб ҳисобласа бўладими?	Кўп	36	12.6	33	11.6	0.501
		Нисбатан кўп	91	31.9	84	29.5	
		Нисбатан кам	2	0.7	0	0	
		Йўқ	18	6.3	21	7.4	
3	Ўзингизни диндор одам деб ҳисоблайсизми?	Кўп	13	4.6	7	2.5	0.226
		Нисбатан кўп	116	40.7	110	38.6	
		Нисбатан кам	2	0.7	0	0	
		Йўқ	16	5.6	21	7.4	
4	Асосий диний урфларга қанчалик риоя қиласиз?	Кўп	25	8.8	29	10.2	0.547
		Нисбатан кўп	104	36.5	88	30.9	
		Нисбатан кам	2	0.7	1	0.4	
		Йўқ	16	5.6	20	7.0	
5	Яқинларингиз Сизни диндор деб ҳисоблашадими?	Кўп	83	29.1	81	28.4	0.551
		Нисбатан кўп	46	16.1	36	12.6	
		Нисбатан кам	0	0	0	0	
		Йўқ	18	6.3	21	7.4	
6	Отангизни диндор аташ мумкинми?	Кўп	96	33.7	83	29.1	0.01
		Нисбатан кўп	33	11.6	34	11.9	
		Нисбатан кам	9	3.2	1	0.4	
		Йўқ	9	3.2	20	7.0	
7	Онанингизни диндор аташ мумкинми?	Кўп	79	27.7	71	24.9	0.002
		Нисбатан кўп	50	17.5	46	16.1	

		Нисбатан кам	0	0	12	4.2	
		Йўқ	18	6.3	9	3.2	
8	Ўзингизни диндор оилада вояга етганман деб айта оласизми?	Кўп	38	13.3	42	14.7	0.547
		Нисбатан кўп	91	31.9	75	26.3	
		Нисбатан кам	6	2.1	5	1.8	
		Йўқ	12	4.2	16	5.6	
9	Ака (ука), опа (сингил)ларингиз диндормилар?	Кўп	49	17.2	61	21.4	0.05
		Нисбатан кўп	79	27.7	56	19.6	
		Нисбатан кам	5	1.8	2	0.7	
		Йўқ	14	4.9	19	6.7	
10	Диний урфларни отангиз ўргатганми?	Кўп	67	23.5	45	15. 8	0.000
		Нисбатан кўп	80	28.1	72	25.3	
		Нисбатан кам	0	0	0	0	
		Йўқ	0	0	21	7.4	
11	Диний урфларни онангиз ўргатганми?	Кўп	41	14.4	49	17.2	0.000
		Нисбатан кўп	88	30.9	89	31.2	
		Нисбатан кам	0	0	0	0	
		Йўқ	18	6.3	0	0	


Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, биз ёшлар дунёқарашига таъсир қилиши мумкин деб тахмин қилган ижтимоий-психологик омилларнинг бештаси: “Отангизни диндор аташ мумкинми?” ( $p \leq 0.01$ ), “Онангизни диндор аташ мумкинми?” ( $p \leq 0.002$ ), “Ака (ука), опа (сингил)ларингиз диндормилар?” ( $p \leq 0.05$ ), “Диний урфларни отангиз ўргатганми?” ( $p \leq 0.000$ ), “Диний урфларни онангиз ўргатганми?” ( $p \leq 0.000$ ) жинслараро тафовутлар билан боғлиқ эканлиги аниқланди. Ва аксинча, биринчи беш саволга берилган жавоблар ўртасида жинсий омил билан боғлиқ статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқалар кузатилмаган. Масалан, “Атрофингизда Аллоҳга ишонувчилар кўп деб ўйлайсизми?” деган саволга жавоблар таҳлили ёшлар диний дунёқарашига ижтимоий муҳит таъсирини жинслараро тафовутлари, Пирсоннинг хи-квадрат мезони ёрдамида текширилганда, статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқалар мавжуд эмаслигини кўрсатди ( $\chi^2 \leq 0.561$ ).

“Сизнинг оилангизни диндор деб ҳисобласа бўладими?” деган саволга берилган жавоблар ҳам юқоридаги манзарани очиб берди (Пирсоннинг хи-квадрат мезони ёрдамида текширилганда статистик жиҳатдан аҳамиятли алоқалар қайд этилмади ( $\chi^2 \leq 0.501$ )).

Дин билан боғлиқ аутоидентификацияни акс эттирувчи “Ўзингизни диндор одам деб ҳисоблайсизми?” деб берилган саволга ҳам олинган жавобларда жинсий тафовутларни ифодаладиган тафовутлар кўзга ташланмади ( $\chi^2 \leq 0.226$ ).

Диний урфлар ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга хизмат қиладиган “Асосий диний урфларга қанчалик риоя қиласиз?” саволига берилган жавобларда ҳам жинсий детерминантлар яққол ифодаланмади ( $\chi^2 \leq 0.547$ ).

Статистик жиҳатдан аҳамиятли жинсий тафовутларни ўзида яққол ифодалаган “Отангизни (Онангизни) диндор аташ мумкинми?” ( $p \leq 0.01$ ) саволларига берилган жавоблар тақсимоти қуйидагиларни очиб берди:




**1-расм. Жинслар билан боғлиқ диний дунёқараш шаклланишига Ота (Она) таъсири хусусиятлари**

Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, Ота диндорлиги қизларнинг диний дунёқарашини кўп жиҳатдан белгилаган бир пайтда, йигитлар диний дунёқарашининг шаклланишида Онанинг ўрни юқори эканлиги намоён бўлди.

Худди шу ҳолатнинг мантиқий давоми сифатида диний урф-одатларни қиз-йигитлар томонидан ўзлаштирилувида Ота ёки Онанинг ўрни қай даражада эканини ифодалайдиган “Диний урфларни Отангиз (Онангиз) ўргатганми?” саволларига берилган жавоблар тақсимотининг жинслараро кесимининг визуаллаштирилувида намоён қилганини алоҳида эътироф этишимиз мумкин.

Сиблинг муносабатларининг ёшлар диний дунёқарашини шаклланишига қай тарзда таъсир этишини аниқлаш имконини яратадиган “Ака (ука), опа (сингил)ларингиз диндормилар?” ( $p \leq 0.05$ ) саволига берилган респондентлар жавоблари тақсимоти қуйидагича тақсимланганини кўришимиз мумкин (2-расмга қаранг).

Яъни сиблингларнинг диний хулқи билан боғлиқ ёшлар диний дунёқараш аксариятда қизларга кўп жиҳатдан таъсир қилар экан. Йигитлар диний дунёқарашига сиблинглар эмас, бизнингча, социум таъсири кучлироқ бўлиши эҳтимол.



**2-расм. Диний урф-одатларни ўзлаштирилувини таъминлайдиган жинслар билан боғлиқ хулқ пайдо бўлишига синглиларнинг динга бўлган муносабати хусусиятлари**

Диний дунёқараш шаклланганлик даражасини белгилайдиган ижтимоий-психологик омиллар факторизациясини ҳам тадқиқотимиз давомида амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Факторизация натижалари қуйидаги латент қонуниятларни кашф этиш имкониятини берди.

Диний дунёқараш шаклланишига таъсир қилувчи объектив ижтимоий омиллар факторизация натижасида икки мустақил факторга ажралиб чиқди. Биринчи факторни унга киритилган омиллар мазмунидан келиб чиқиб “Диндорликни баҳолаш” деб номладик. Унга қуйидаги омиллар киритилган: “Ўзингизни диндор одам деб ҳисоблайсизми?”, “Отангизни диндор аташ мумкинми?”, “Асосий диний урфларга қанчалик риоя қиласиз?”, “Яқинларингиз Сизни диндор деб ҳисоблашадими?”, “Сизнинг оилангизни диндор деб ҳисобласа бўладими?”, “Ака (ука), опа (сингил)ларингиз диндорми?”, “Диндор оилада тарбияланганмисиз?”, “Атрофингизда Аллоҳга ишонувчилар кўп деб ўйлайсизми?”, “Онангизни диндор аташ мумкинми?”

Факторизациянинг энг қизиқ жиҳати шундаки, диний дунёқараш шаклланишида ота-онанинг тарбиячилик ўрни алоҳида факторга ажралиб чиқиши. Бундан ташқари, ота ва онанинг тарбиячиликдаги роллари тубдан қарама-қарши эканидан иборатлиги. Мазкур факторга кирган саволлар: “Диний урфларни отангиз ўргатганми?” (-0.794), “Диний урфларни Онангиз ўргатганми?” (0.912). Яъни ота диний муаллим ролини бажарганда она ўзини мазкур ролни бажаришдан тортса, ота ўз иштирокини пасайтирганда мазкур фаоллик онанинг зиммасида бўлишини кўрсатмоқда. Муҳими ушбу динни фарзандга етказиш масаласи очик қолмаслигидир.

**Диний дунёқараш шаклланганлик даражасини белгилайдиган  
ижтимоий-психологик омиллар факторизацияси натижалари**

Саволлар	факторлар	
	1-Фактор: Диндорликни баҳолаш	2-Фактор: Динни ўзлаштириш
1. Ўзингизни диндор одам деб ҳисоблайсизми?	0,909	
2. Отангизни диндор аташ мумкинми?	0,889	
3. Асосий диний урфларга қанчалик риоя қиласиз?	0,882	
4. Яқинларингиз Сизни диндор деб ҳисоблашадими?	0,878	
5. Сизнинг оилангизни диндор деб ҳисобласа бўладими?	0,877	
6. Ака (ука), опа (сингил)ларингиз диндордиларми?	0,845	
7. Диндор оилада тарбияланганмисиз?	0,835	
8. Атрофингизда Аллоҳга ишонувчилар кўп деб ўйлайсизми?	0,835	
9. Онангизни диндор аташ мумкинми?	0,801	
10. Диний урфларни Отангиз ўргатганми?		-0,794
11. Диний урфларни Онангиз ўргатганми?		0,912

Шунингдек, мазкур бобда диндорликнинг икки: ҳам ички, ҳам ташқи жиҳатларини Д.О.Смирновнинг (МИРА) диний фаолликни ўлчаш методикаси орқали ўргандик. Мазкур методика уч субшкаладан иборат:

- 1 Субтест Диндорликнинг ички/ташқи (ботин/зоҳир) жиҳатини;
- 2 Субтест Диний дунёқараш негизи табиий-илмий/диний эканини;
- 3 Субтест диний фаоллик даражасини ўрганиш имконини яратади.

Бундан ташқари, диний дунёқараш шаклланганлигининг ўзига хосликларини ўрганиш учун биз ўзимиз томонимиздан махсус ишлаб чиқилган Экспериментал сўровномадан фойдаландик. Мазкур восита асосини 11 та, ўрганилаётган муаммони назарий ўрганиш якуни ва ушбу ишнинг биринчи боби доирасида олинган натижалар бўйича шакллантирилган саволлар ташкил қилган.

Эмпирик тадқиқотимизнинг мазкур босқичининг мақсади Диний фаолликнинг таркибий қисмларининг ўзаро ва диний дунёқараш асосини ташкил қилган, жинслараро тафовутларни белгилаган диний урф-одатлар ўзлаштирилишини таъминлайдиган хулқ пайдо бўлишига олиб келадиган ижтимоий омилларнинг энг устуворлари билан кросс-табуляцион алоқаларини ўрганишдан иборат.

Тахминимизча, диний фаолликнинг таркибий қисмлари: ички/ташқи фаоллик, диний/илмий-табиий дунёқараш, диний фарзларни адо этишдаги шахсий тажрибасининг жинсий ифодалари оиладаги ўғил ва қизларнинг диний дунёқарашига ота ва оналарнинг диний амалиёт билан боғлиқ тарбиявий фаолликлари томонидан белгиланиши мумкин.



Д.О.Смирновнинг (МИРА) диний фаолликни ўлчаш методикаси орқали олинган “хомаки” қийматлар, методикада келтирилган йўриқномага биноан стандартлаштирилган стэн балларга ўтказилган. 1-4 стэнлар мазкур омилнинг қуйи даражасини, 5-7 стэнлар ўрта ва 8-10 стэнлар юқори даражасини акс эттиради. Яъни алоҳида шкалалар бўйича тақсимлайдиган бўлсак:

1-шкалада: 1-4 стэнлар шахснинг диний фаоллиги ташқи мотивлар томонидан,

8-10 стэнлар шахснинг диний фаоллигида ички мотивлар устунлигини қайд этамиз.

2-шкалада: 1-4 стэнлар шахснинг диний дунёқараши негизида табиий-илмий негиз устуворлиги,

8-10 стэнлар шахснинг дунёқараши негизида диний-мифологик негиз устуворлигини қайд этамиз.

3-шкалада: шахснинг диний йўриқлар (фарзлар)га амал қилиш даражаси:

1-4 стэнлар шахснинг диний йўриқлар (фарзлар)га амал қилишнинг индивидуал тажрибаси мавжудлиги эътироф этилади;

8-10 стэнлар шахснинг диний йўриқлар (фарзлар)га амал қилиш билан боғлиқ тажрибасизлиги кўзга ташланади.

Дастлабки диний фаолликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги нисбий қиёсий ҳолати қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган.

### 3-жадвал

#### Диний фаолликнинг таркибий қисмлари параметрик мезонлари


Компонентлар	N	Minimum	Maximum	Ўртача арифметик	S - стандарт оғиш
Ички/ташқи фаоллик	285	4	10	5,85	1,339
Диний/илмий дунёқараш	285	1	9	3,76	2,396
Фарзларга амал қилиш	285	1	10	5,41	1,820
Valid N (listwise)	285				

Жадвалда келтирилган диний фаолликни тақозо этадиган диний фаолликка ундовчи ички/ташқи фаоллик мотивлари ўртача арифметик қиймати 5.85 ни ташкил қилишини кўришимиз мумкин. Яъни стэнлар шкаласининг марказида жойлашган. Худди шундай манзара фарзларга амал қилиш шкаласида ҳам намоён бўлган (5.41). Биргина диний дунёқараш негизини илмий асос ташкил қилиши алоҳида эътиборга моликлигини кўряпмиз.

Яъни талаба ёшларимизда, умуман олганда, диний дунёқараш шаклланишида марказий ўринни оламга бўлган табиий-илмий, рационал ёндашув эгаллайди. Уларнинг оламини англашида мифологик эмас, балки тафаккур чиғиригидан ўтган тасаввурлар кўмаклашади.

Бизнинг тадқиқотимиз диний фаолликнинг таркибий қисмлари ўртасидаги ўзаро тафовутларни статистик жиҳатдан қай даражада аҳамиятлилиги ўрганилмаса тўлиқ бўлолмайди. Ушбу мақсадда биз улар ўртасидаги фарқлар аҳамиятлилигини ўрганишда Стъудентнинг ички

гурухий жуфт қиёслаш t-мезонидан фойдаланишга қарор қилдик.



**3-расм. Диний фаолликнинг таркибий қисмлари параметрик мезонлари**

Мазкур мезонга кўра ҳар бир омил ўзаро қиёсланади, фақат бу қиёслаш Стьюдентнинг мустақил гуруҳлар ўртасидаги тафовутларни ўрганишга мўлжалланган мезон орқали эмас, балки бир гуруҳда олинган тобе ўзгарувчилар ўртасидаги тафовутларнинг статистик жиҳатдан қай даражада аҳамиятли экани ўрганилади. Олинган статистик кўрсаткичлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган (4-жадвал).

**4-жадвал**

**Диний дунёқараш шаклланганлик даражасини диний фаолликнинг таркибий қисмлари билан корреляцион алоқаси**

		диний фаоллик зоҳир/ботин	диний/илмий дунёқараш	Фарз амаллари
Диний дунёқараш шаклланганлик даражаси	Pearson Correlation	0,888**	0,786**	0,798**
	Sig. (2-tailed)	0,000	0,000	0,000
	N	285	285	285

\*\* . Correlation is significant at the 0.01 level (2-tailed).

Кўриниб турибдики, диний фаолликнинг ички/ташқи мотивлари шкаласининг ўртача арифметик қиймати  $M=5.85$  ни, стандарт оғиш  $S=1.339$  ни ташкил қилган бир пайтда диний/илмий дунёқараш ўртача қиймати  $M=3.76$  ни, стандарт оғиш  $S=2.396$  ни ташкил қилган, улар ўртасидаги фарқлар аҳамиятлилиги  $p \leq 0.000$  ( $t=21.705$ ). Шунини алоҳида эътироф этиш керакки, диний фаолликнинг зоҳирий/ботиний мотивлари шкаласининг ўртача арифметик қиймати диний урф-одатлар, фарзларни адо этишдаги иштироки даражасини акс эттирувчи шкаланинг ўртача арифметик қийматидан ҳам статистик жиҳатдан аҳамиятли равишда юқоридир (фарз амаллари шкаласи ўртача қиймати  $M=5.41$ , стандарт оғиш  $S=1.820$  ни ташкил қилган, улар ўртасидаги фарқлар аҳамиятлилиги  $p \leq 0.000$ ,  $t=-14.957$ ). Яъни талаба ёшларимизнинг динни ўзлаштиришга қаратилган ички (ботиний)


мотивлари шиддати ҳозирда фарз амалларини адо этишдаги иштирокидан ҳам кучлироқ.

Диний дунёқараш шаклланганлигининг умумий даражаси шахснинг диний фаоллигида ички (ботиний) мотивлар билан ижобий корреляцион алоқадалиги аниқланди ( $r \leq 0.888$ ,  $p \leq 0.000$ ), яъни диний дунёқарашнинг умумий даражаси пасайиши, ўз навбатида, диний фаолликнинг зоҳирий мотивлари билан белгиланиши мумкинлигини билдиради. Ва аксинча, унинг ортиши диний фаолликнинг ички (ботиний) мотивлари томонидан белгиланаётган бўлишини тахмин қилишимиз мумкин.

Диний дунёқараш шаклланганлигининг умумий даражаси диний дунёқарашнинг илмий ёки диний тасаввурлар шкаласи билан ҳам ижобий корреляцион алоқада экан ( $r \leq 0.786$ ,  $p \leq 0.000$ ), яъни диний дунёқарашнинг умумий даражасининг пасайиши, диний тасаввурлар билан белгиланиши мумкинлигини билдиради. Ва аксинча, унинг ортиши диний тасаввурлар табиий-илмий асосга қурилаётган бўлишини тахмин қилиш имконини туғдиради.

Диний дунёқараш шаклланганлигининг умумий даражаси диний урф-одатлар, фарзларни амалга ошириш шкаласи билан ҳам ижобий корреляцион алоқада экан ( $r \leq 0.798$ ,  $p \leq 0.000$ ), яъни диний дунёқарашнинг умумий даражасини пасайиши, шахснинг диний урф-одат, фарзларни адо этишдаги тажрибасизлиги билан белгиланиши мумкинлигини билдиради. Ва аксинча, унинг ортиши шахснинг диний урф-одат, фарзларни адо этишдаги тажрибаси мавжудлигини тахмин қилиш имконини туғдиради.

